

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 274 (6. 165)

1986 йил 29 ноябрь, шанба

Баҳоси 3 тийин



МУСОБАҚА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ИМТИҲОН АРАФАСИДА

Репортаж

Корхона партоқмидаги суҳбат бу даражада қизгин бўлади, деб ўйламаган эдим. Таклиф қилинган кишилар корхонанинг цех бошлиқлари, етук мутахассислари эди. Шунинг учун, улар бугунги куннинг энг чирсиллаб турган масалалари ҳақида баҳс юритишди.

Биз «Миконд» заводининг кўпгина цехларида бўлдик. Ишчилар бу янгиликни бажонидил қабул қилишпти. Маю, уларнинг айрим фикрлари:

— Ойлик маошини ошади, нимаси ёмон? — Авваллари ОТКга: «Келинг, энди маҳсулотини қайтарманг» деб бундайроқ, гоҳида брак маҳсулотини ўтказиб юрганларга энди гоҳ қўйиладилар.

— Сифатсиз маҳсулот тайёрлаган ишчилар бунга бемалол ҳақ олаверибди. Индамасди. Энди сифатсиз, брак маҳсулот учун ҳақ берилмайдиган бўлади. Брак учун пул ушлаб қолинади. Жуда тўғри йўл!

Хуллас, ишчи-хизматчилар виждонан ишлаш тарафдори: ҳар ким ҳалол ва сифатли меҳнатига яраша ҳақ олсин, дейишпти.

Партоқмида иш кун сайин қизиб борапти. Барча цех партия ташкилотларида иш жонланган. Корхона цехларининг ишчилари ўз иккинчи номуздларини кўрсатишпти. Масалан, 5-цех партия ташкилот секретари ўринбосари Ренат Эгамбердиев, 3-цех партия ташкилот секретари Энвар Ениев, 8-цех касба соҳаси ташкилотининг раиси Зинаида Васильева ва номузда кўрсатилди...

Шу кезларда маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этишга таъйинланган ишчи хал қилувчи паллага кирди!

Х. ИКРОМОВ.

Тўқимачилар учун

11-«Висотстрой» трестига қарашли 75-бошқарманинг Н. Қодирова ва Н. Орлов бошлиқ комплекс бригадалари қурувчилари тўқимачилик комбинатининг ишчилари учун иккита 240 ўринли тўқиз қаватли ётоқхонани битказиб деб турибдилар.

Бу икки бригада аъзолари монтаж ишларини низоҳатга етказиб, пардозлаш ишларини тугатиш асосида турибдилар. Пардозлаш ишларида «Главашкентстрой» 1-пардозлаш трестига қарашли 29-бошқарманинг М. Азимов, Ж. Юсупов, Ф. Заблот ва коммунист Ф. Қурбон бошлиқ пардозлашчи комсомол-ишлар бригадалари кўмаклашмоқда. Бунёдкорлар «Қурилиш ишлари» тез ва сифатли бажаришда шори остида меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, сувоқчилардан С. Хакимов, К. Отажонов, Т. Егоров, дурадгор Қ. Исмоилов, И. Низоминов, А. Тоғоев, электр пайвандловчи Р. Зарипов, монтажчи Г. Мамедовларнинг ишлари тез ва сифатли бўлаётти. Бу икки ётоқхона Янги йил арафасида фойдаланишга топширилади.

О. МАХМАЮСУПОВ.

Планга қўшимча

УРТА ОСИЕ темирйўли бўлимининг Тошкент бўлими коллективни КПСС XXVII съезди қарорларини бажара бориб халқ хўжалиги юзлари ташкилотининг планини бажариб — 25 ноябрда баъжариб, Шунингдек, меҳнат уюштурулишини ўстириш суъратлари бўйича план ва социалистик мажбуриятлари ҳам олириб адо этилди. Юк ташини танириш. Уттан йилнинг шу даврига нисбатан анча қамайди. Оғир юк-

ли поездларда социалистик мажбуриятга қўшимча равишда 7 миллион тонна юк маъзилларга етказилди. Бўлимининг коллектив мажбуриятининг илгори меҳнат коллективларининг Улуғ Октябрь 70 йиллигини муносиб кутиб олиш қозонидан ташаббусларига қўшилиб, йилнинг охиригача яна планга қўшимча 2 миллион тонна халқ хўжалиги юзларини ташин бериш мажбуриятини зиммасига олди.

1987 йил ҳисобига

Шаҳримиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг мингдан ортиқ ишчилари шу кунларда 1987 йил ҳисобига маҳсулот тошпиришпти. Улар орасида Машкура Хайитова ва тажрибали тикувчи-мотористка Антонина Просниа-лар ҳам бор.

М. Хайитова «Мультиком» тўкув машинасида хизмат кўрсатиш зонасини икки баравар ошириш ҳисобига корхонада биринчилар қаторида бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажариш ташаббуси билан чиқди. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнатқашларига Мурожаатномасига жавобан тажрибали чевар А. Просниа эса беш

йиллик план-тошпириқларини уч йилда бажаришга ваъда берди. Ҳозирги кунда бу илгори тикувчи-мотористка календариди 1987 йилнинг ноябрь ойи бошланган. Корхонанинг 160 дан ортиқ ишлаб чиқариш илгори ана шу ташаббусга қўшилиб меҳнат қилмоқда.

Бирлашма касба соҳаси комитети бу илгори ишчиларнинг ҳамда ўн иккинчи беш йилликнинг икки йилли план-тошпириқларини Улуғ Октябрь 70 йиллигини революциянинг 70 йиллиги арасида бажаришга аҳд қилган Раиса Сулейкина ва Боқи Омонов бошчилик қилган бригадалар коллективларининг ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлашга даъват этмоқда.

Бригада пудрати самараси

Владимир Мехов бошчилик қилган комплекс бригада «Главашкентстройнинг» 4-трестига қарашли 18-қурилиш бошқармаси коллективлари орасида энг пешқадалардан бири саналади. Бригада пудрати методи асосида ишлаб-турган қурувчилар шу кунларда шахримизнинг Хуршид қушасида 221 ўринли тўқиз қаватли ётоқхона бинасида монтаж ишларини олиб боришмоқда. Коллектив пешқадаларини — В. Хайнов, Ю. Мелихов сингари бунёдкорлар кунлик смена

нормаларини 120—125 процентга етказиб адо этиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Ҳозир улар 1987 йил ҳисобига меҳнат қилишпти. 16 кишидан ташкил топган бу бригада ўзаро социалистик мусобақани кучайтирган ҳолда ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план-тошпириқларини Улуғ Октябрь 70 йиллигини революциянинг 70 йиллиги байрами арасида бажаришга аҳд қилган.

М. ФЕЛЬДМАН.



Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номи Тошкент лав-бўёқ заводида маҳсулотларни тайёрлашда анчадан бери қўлланилаётган озуқа ўсимлиги мўйи ўрнатиш синтетик мўйи фойдалана бошланди.

Яқин келажакда корхона синтетик мўйи лав-бўёқ тайёрлашга ўтиш учун катта таъйирилар қўймоқда. СУРАТДА: корхона техника контрол бўлими хизмати Марина Майборода ва

сектор бошлиғи Евгений Пономаревлар синтетик мўйи тайёрлашда амал бўёқлар сифати — рангини кўздан кечиришмоқда.

М. НУРИДИНОВ ФОТОЛАРИ.

Ташкилот комитети тузилди

Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ ташкилотини ташкилот муносабати билан республикада уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика ташкилотини вуқудга келтириш ташкилот комитети ташкил қилинди.

Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудир П. В. Догонкин ташкилот комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Ташкилот комитети Тошкент шаҳар, Парадлар хнёбони, 5-уйда жойлашган.

Ўзбекистон Компартияси

ИККИ ЙИЛЛИК СЕМИНАР

Ўзбекистон Кинематографчилар союзида ёш кинематографчилар мактаби ишлаб турибди.

Бу ерда бир қатор учрашулар уюштирилди. Қизқарқин ўтган ана шу учрашуларда кинотанқидчи В. Демин, кинодраматург О. Ағишев ва бош

қалар ўз ижодлари ҳақида гапириб беришди. Бу ерда ишлаб турган ёш кинематографчилар клуби ҳам ёш истадодлар меҳоратини оширишга хизмат қилапти.

Союзда сценарийчиларнинг доимий семинарини ташкил

этиш кўзда тутилмоқда. Икки йилга мўлжалланган бу семинар машғулотида кинесценарий ёзиш устида машқ қилган ёшлар қатнашишлари мумкин.

А. АЛИЕВ.

ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ГАВАНА** Фарабундо Марти номидаги Миллий озодлик fronti жангчилари Сальвадорда ўтган кунлар давомида Дуарте америкапараст режимининг 45 солдат ва офицерини сафдан чиқардилар.

● **ИСЛОМОБОД** «Американинг «Самовий урушлар» программаси нисбатан учун хатардир, «ядро қуроли таъқиқлаш», «Биз атом бомбасини эмас, нон бўлишни истаймиз», — Покистоннинг Лоҳур шаҳрида ана шундай шорлар остида урушга қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди.

● **КОБУЛ** Афғонистоннинг Жоузон ва Балх вилоятларида ер-сув ислохоти муваффақиятли давом

танда ўтказилган прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларни қўллаб-қувватламоқдалар.

● **ТУНИС** Совет Иттифоқи билан Тунис ўртасидаги аниқлашчи ҳамкорлик ўзаро манфаатли, амалий муносабатларини ҳамда дўстликни ривожлантиришга асосланади, деди ТАСС мухбири Туниснинг «Сотрикс» миллий фирмаси президенти Рафид Каффа. Бу компания «Экспортлес» совет ташқи савдо бirlашмасининг Тунисдаги доимий шериғидир.

Совет ёғоч-тахта материал-

ларига маҳаллий бозорда талаб жуда катта, улардан миллий эканомиканинг турли соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. СССР ана шу араб мамлакатига машиналар ва ускуналар, қишлоқ хўжалик техникаси, аммиак, ойна ва бошқа материалларни етказиб бериб эвазига зайтун мўйи ҳамда Тунис экспортининг бошқа товарларини олмақда. Совет-Тунис товар обороти ҳамжи ортиб борапти.

● **ҚОҲИРА**

Мисрда дори-дармонлар нархи ана оширилганини эълон қилинди. Медицина препаратлари 400 дан ортиқ турининг нархи деярли учдан бир баравар қимматлашди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бир йил ичда дори-дармонлар нархи 200 процент ошди. Бу жараёни Миср фармацевтикасида хусусий капиталнинг, шунингдек аҳолининг саломатлигини сақлашдан эмас, балки мумкин қадар кўпроқ фойда олиш манфаатдор бўлган чет эл капиталининг эъроонлиги билан боғлиқ, деб ҳисобламоқдалар.

Замондошимиз



ФАХРЛАНАМАН

Ешлиқдаги қулча нон. Уни ҳеч ким унутмас керак. Она меҳри каби ҳароратли бу қулча-тойлар ҳар биримизнинг хотирасида абадий муҳрланган қолган. Шу билан бирга дастурхонимизнинг энг табириқ неъматини, она меҳрининг раҳми бўлган нонга меҳр-оқибатимизни оширадиган, уни ҳамisha «ёзсайми».

Гульчехра Мирзаамедованинг ноний бўлиш орузи ҳам ана шу ўзига хос туртки бўлганлиги аниқ эмас. У қарийб икки йил муқаддам 32-хунар-техника билим юртини тугаллаб, йўналиш билан «Ташкентлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-нон заводида ишга келган эди. Уста ноний Филлиса Станиславовна Гутовскаянинг бригадасига аъзо бўлиб ва коллектив етакчиси раҳбарлигида нонийлик касби билан уларнинг ҳозирги ҳамкасблари меҳнат жараёнини асло таққослаб бўлмайдилар. Ҳамир қоришдан тортиб, деярли барча жараёнлар механизациялаштирилган. Фақат нон ясаш жараёнигина қўлда бажарилади. Аммо ҳамон бу касб ўзига хос машаққатларга эга.

Ф. С. Гутовская бошлиқ бригаданинг ўн икки нафар аъзоси бор. Уларнинг ҳар бири ўз касбининг устаси. Уттиз йиллик меҳнат тажри-

басига эга бўлган Соёя Ҳасанова, Наби Эргашев, Вера Ефремоваларнинг ҳар бири ёш Гульчехрадан қўлидан келган ёрдамни аямдан, иш тажрибалари билан бажонидил ўртоқлашмоқда. Албатта бу ўз самарасини берди. Ҳозир комсомол қиз мазкур бригаданинг тўлақонли аъзоси. Бригада ҳар сменада қарийб икки ярим тонна нон маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Патир нонлар, обн нонлар шулар жумласидандир. Смена тошпириқлари мунтазам 105—110 процент бажарилади. Сўнгги вақтларда корхонада маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Тўрт нафар назоратчи куну тун маҳсулот сифати посбонлигини. Назоратчи янада қучайтириш мўлжалланмоқда.

— Тошкентини нон шаҳри, деб аташди. Бунда олийҳиммат нонийларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ана шу касбин таллаганимдан беҳад турсангиз, — дейди Гульчехра Мирзаамедова. — Маошини ҳам, обрўини ҳам жойида. Олижаноб нонийлик касбин билан фахрланаман.

СУРАТДА: Г. Мирзаамедова.

Тонгги газеталарда

● **КПСС** Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 28 ноябрь кунини Дехлидан Москвага қайтиб келди. У Ҳиндистон Бирлашган Штатлари ва Ҳиндистон ҳукуматининг

таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Дехлига борган эди.

● Қўшма Штатлар халқаро кескинлигини янада кучайтиришга қаратилган навбатдаги қадамни қўйди —

Ўзининг «Лэнс» оператив-тактик ракеталарини Жанубий Кореяда жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан бугун тонгги газеталарда ТАСС баёноти эълон қилинган.

Янгиликлар. Воқеалар. Хабарлар.

Мақтаб музейи

Илгириманчи йилларда бу билим масканининг дивурги кенг тарқалган эди. Урта Осётемир йўли бош устонасига қарашли мазкур мактабда асосан темир йўл транспорти ишчиларининг фарзандлари таҳсил қўради.

Ешлар Коммунисттик интернационали номи билан аталган билим ўчоғида қатор яхши аънавлар қарор топди. Укувчиларни мардлик ва доворакликка даъват этувчи тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади эди. Оташнинг ленинчи, комиссар-бошчиёв И. Першиннинг ўғли Коля Першин ҳам шу ерда ўқиган, у мустақам иродаси ва қатъийлиги билан ажралиб турарди.

Йиллар ўтди. Ўз тарихини яратган мактаб бинасида эндиликда шахримиздаги 1-хунар-техника билим юрти жойлашган. Яқинда бу ерда мактаб тарихи музейи очилди. Унинг экспонатлари билим даргоҳи босиб ўтган шонли йўл ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

Классик музыка янграганда

Испан композитори И. Де-либнинг оркестр жўрлигида икки энтиладаги асрларни музика шинавандларига яхши маълум. Композитор ижодининг намуналари Ўзбекистон ССР Давлат халқ чоғу асбоблари оркестри концерт программасидан ҳам ўрин олган.

Солист Софья Тен композиторнинг «Испанча қўшқ» асарини оркестр жўрлигида икки энтиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди. Концертда, у шунингдек Ж. Россинининг «Севилья сартороши» операсидан арияни ҳам қўйлади.

Оркестр репертуаринида бошқа классик композиторларнинг асрлари ҳам бор. Н. Паганинининг скрипка учун ёзган концертини олинган фрагментлар айнаса кўтариники руҳда икки энтиди.

Яшил боғ манзаралари

Тошкентдаги шаҳар пионер ва ўқувчилар саройининг хаваскорлик киностудияси аъзолари моҳир мутахассис А. Кордос раҳбарлигида суратга олиш техникаси билан боғлиқ жараёнларни пухта ўзлаштириш билан бирга мустақил равишда қатор ленталарни яратишга муваффақ бўлишди.

Еш киноматографчилар суратга олган ҳужжатли фильмлар орасида «Табият ва инсон» мавзуга доир лента ҳам бор. Ҳаваскорлик киностудияси

Адабиёт тарихига доир

Германия Демократик Республикасида ўзбек адабиётига қизиқиш катта. ГДР Фанлар академиясининг адабиёт тарихи институти ўзбек адабиёти ютуқларини пропаганда қилувчи илмий марказ сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Илмий муассасанинг йилик тадқиқотчиси доктор Зигрид Клейнмихель бу хайри ишга яқиндан бош қўшганлардан. Унинг ўзбек совет адабиёт тарихига доир изланишлари диққатга сазовордир.

Шу кунларда у «Ўзбек совет адабиёти 20— 30-йилларда (проза ва драматургия)» монографияси устида қизгин иш олиб бормоқда. Шу мақсадда олмиа Ўзбекистон ССР Фанлар академияси таклифи билан Тошкентга келиб, ўз тадқиқоти учун бой материал тўплади.

Бундан олдин унинг «Ўзбек совет адабиёти номи салимоқли мақоласи босмага тайёрланган эди.

НАЖИБ СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ҚОБУЛ. 27 ноябрь. (ТАСС). Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб бугун КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Тошкент области комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов бошчилигидаги Урта Осётемир республикалари партия

ва совет ходимлари делегациясини қабул қилди. Нажиб ва Совет делегациясининг аъзолари икки мамлакат партиялари, ҳукуматлари ва халқларини бирлаштириб турган дўстона ва ўзаро фойдали муносабатларни мустақамлаш ва кенгайтириш, экономика ва техника соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари

ни муҳофиза қилди. Дўстона ва самийий руҳда ўтган учрашувда СССРнинг АДРдаги элчиси П. П. Можаев қатнашди.

Шу кунинг Совет делегациясини АХДП Марказий Комитети Сибей бюросининг аъзоси, АДР Министрлар Кенгашининг Раиси С. А. Кештанд қабул қилди.

ДАМАШҚ

Сурянинг Алеппо шаҳрида темир йўл транспорт мутахассислари тайёрлайдиган ўқув маркази тантанали азиятда очилди. Бу марказ Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан қурилган.

Шаҳар марказида эски омаборлар ўрнидаги салкам 7 гектар майдонда ўқув корпуси, лабораториялар, устаконлар, спорт зали, ошхона, кутубхона ҳамда 300 студентга мўлжалланган ётоқхонани ўз ичига олувчи замонавий биналар комплексини қисқа муд-

дат ичда қад кўтарди. Яқин Шарқдаги биринчи ана шундай ўқув юрти ҳисобланган марказ мунтазам равишда 500 дан зиёд мутахассис, шу жумладан маҳинист ёрдамчилари, электрик-слесарлар, электромонтерлар, станция навбатчиларини тайёрлаб беради. Бундан ташқари бу ерда темир йўл раҳбарлари малякисини ошириш курслари ташкил этилади. Ўқув жараёнини ташкил этиш учун Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан бу ерга 25 та ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари келди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайлик

БАХТСИЗ ҲОДИСА

Совет кишиларнинг фаровонлиги тобора ошиб бормоқда. Ёнгил автомобиллар ҳар бир тонадонга кириб борапти. Шаҳар кўчалари эса машиналар билан гажимлашиб кетган. Бу яхши, албатта. Аммо масаланинг иккинчи томони бор. Транспорт воситалари қанчалик кўпайса — йўл ҳаракати қондаларига шунчалик қатъий риоа этиш талаб этилади. Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш партия, совет органларининг кундалик вазифаларидан бири бўлиб қоляпти. Тошкент область партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масаланинг кўриб чиқиши ҳам бежиз эмас.

Бюро мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, йўл транспорт ҳодисалари сони камайиш ўрнига тобора ортиб бормоқда. Бу эса мутасадди ташкилотлар томонидан кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан қоникорсиз иш олиб борилаётганлиги натижасидир. Кўпгина носо автотранспортдан фойдаланилмоқда. Профилактика, контроль хизмати бўлиmlарининг ишлари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шахсий транспортда авария қилиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари, шаҳар ва район кўнгилсиз ҳодисалари бўлиmlарининг ишлари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шахсий транспортда авария қилиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари, шаҳар ва район кўнгилсиз ҳодисалари бўлиmlарининг ишлари бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Эгалари учун мўлжалланган 90 дан ортиқ автомобил турши жойи ва кооператив таърифи мавжуд. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг кўпайишига, аварияларга, кўнгилсиз-бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайишига асосий сабаблардан бири бўлиб қоляпти. Масалан, 1986 йилнинг ўтган ойлари мобайнида шахсий транспорт эгалари ҳайдовчиларнинг айби билан кўп-лаб авариялар қилинди. Чунинчи, йўл транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,8 процент ўсган. Бунинг натижасида юздан ортиқ киши ҳалок бўлган ва 1400 киши жароҳатланган. Бунинг яна бир сабаби бор. Бу ҳам бўлса ҳаваскор ҳайдовчилар таъйинлашнинг сифатсизлигидир. Жамиятнинг биринчи автотранспорт бўлими ва ГАИ ҳодимлари билан наркологию комиссияси рейдларида, шунингдек, атроф-муҳити муҳофаза қилиш назорати бўйича ўтказилган текширишларда фоол иштирок этмайдилар. Аммо шахсий автотранспорт тобора ўсиб бориши йўлларда транспорт воситалари ва йўловчилар ҳаракатида тигиз вазиятни авжга келтирмоқдаки, кўнгилсиз ҳодисалари ҳаваскорлари жамиятлари ва бошқа ҳалдор ташкилотлар томонидан қўрилган чора-тадбирлар айна пайтда етарсиз ва самарасиз бўлиб қоляпти. Бу эса бугунги кунда йўл ҳаракати қондаларининг бузиллишига, аварияларга, кўнгилсиз-бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайишига асосий сабаблардан бири бўлиб қоляпти. Масалан, 1986 йилнинг ўтган ойлари мобайнида шахсий транспорт эгалари ҳайдовчиларнинг айби билан кўп-лаб авариялар қилинди. Чунинчи, йўл транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,8 процент ўсган. Бунинг натижасида юздан ортиқ киши ҳалок бўлган ва 1400 киши жароҳатланган. Бунинг яна бир сабаби бор. Бу ҳам бўлса ҳаваскор ҳайдовчилар таъйинлашнинг сифатсизлигидир. Жамиятнинг биринчи автотранспорт бўлими ва ГАИ ҳодимлари билан наркологию комиссияси рейдларида, шунингдек, атроф-муҳити муҳофаза қилиш назорати бўйича ўтказилган текширишларда фоол иштирок этмайдилар.

Довчиларнинг амалий машғулот учун етарли эмас-ку! Шундай ва шу каби сабаблар туфайли ҳаваскор-ҳайдовчилар таъйинлаш плани ўлда-жўлда қолиб қоляпти. Жумладан, шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида йиллик планда белгиланган 1770 ҳайдовчи ўрнига «В» категориясида 890 ҳайдовчи таъйинланди, холос. Ваҳоланки, кўнгилсиз ҳодисалари ҳаваскорлари жамиятларининг феолиятлари лоақал бирор марта (1985—1986 йилларда) халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари йиғилишларида кўрилмади. Бу эса улар ишнинг ўта назоратсизлигига олиб келди. Кўнгилсиз ҳодисалари ҳаваскорлари жамиятларининг бу ва шунга ўхшаш қатор камчиликлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советида ҳам ҳақли равишда танқид қилинди. Бизнингча, бу соҳада туб бурилиш ясаб ва қайта қуришни маддаллаштириш пайти етди. Чунки бу масала қатъий давлат ва социал аҳамиятга моликдир. Бунда албатта кўнгилсиз автотранспорт ҳаваскорлари жамиятлари мўҳим роль ўйнашлари керак. Бироқ афсуслар бўлсинки, уларнинг ҳозирги феолиятлари шу кун талабига жавоб бермайди. Бинобарин, бир неча йиллардан бери автотранспорт эгаларининг жамиятга аъзо қилиш масаласи оқсаб келади. Масалан, ҳозирда 126,5 минг шахсий автотранспортга эгасидан бор-йўғи 9 минггача жамиятга аъзодир. Айниқса бу иш Ленин, Октябрь, Киров, Ҳамза ва Фрунзе районларида ёмон аҳолда. Бу районларда аълоқил 4,5 процентни ташкил этади, холос. Улар автотранспорт эгалари ўртасида йўл ҳаракати қондаларини ўзгартириш ва пропаганда қилиш ишларини жуда да суст амалга оширишлар. Холбуки, фақат бу ишлар учун ҳар йили 3—4 минг сўм маблағ ажратилади. Жамият ўз аъзоларидан автотранспорт дўрунчиларни тузиш ишига ҳам панжа орасидан қараяпти. Ҳозирги пайтда 72 киши дўрунчи сифатида феолият кўрсатяпти, холос. Сергели Фрунзе, Киров, Қўйибосай рай-

онларида эса дўрунчилар мутлақо йўқ.

Шахсий транспорт воситалари эгалари ўртасида иш самардорлигини, жамият аъзолари сонини кўпайтириш, йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайитириш, шахсий транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун шаҳар ва район кўнгилсиз автотранспорт ҳаваскорлари жамиятлари ролини ва масъулиятини ошириш, ҳаваскор ҳайдовчилар таъйинлаш сифатини яхшилаш ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган кўрсатмаларини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети махсус қарор қабул қилди. Тошкент область партия комитетининг навбатдаги бюро мажлисида қайд этилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш учун кўнгилсиз автотранспорт ҳаваскорлари жамиятлари таъғилиш ташкилотлар билан ўзгича алоқада ишларни жонлаштиришлари, ана шу қарорни бекамлик бажаришлари лозим. Бу мўҳим аҳамиятга эга бўлган ишдир.

Т. ТОВШЕВ,
«Тошкент оқшом» муҳбири.Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/ХІ да Тосна, 30/ХІ да Уйқуддаги ғўзал (12.00), Сўғд элнинг қоплини (19.00).
ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/ХІ да Келинлар кўзголини, 30/ХІ да Ўғрини қароқчи урди.
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/ХІ да Мангулин, 30/ХІ да Ёшлиқда берган кўнгил.

КИНО

29 НОЯБРДА

«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» — Дружба (тоқ соатларда), Ли-сунво номили (17, 19, 21.00).
«КЕЛИН-КУЕВЛАР УЧУН СО-ЯБОН» — Дружба (жуфт со-атларда) Ҳамза номили (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), «ЛУИЗИАНА» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (16, 18.30, 20.30; телефон 78-47-25), Қозғистон (жуфт ва тоқ со-атларда; телефон 35-24-92).
«ҚУШНИ АЕЛ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (17, 19, 21.00), «ИТАЛЬЯНЧА АЖРАЛИШ» — Нукус (тоқ соатларда).
«АЛИБОВО ВА КИРК ҚАРОҚ-ЧИНИНГ САРГУЗАШЛАРИ» — Ғ. Ғулом номили (17, 20.00).
«ФАРАНГ ОИЛАСИНИНГ СИ-РИ» — Ватан (16, 18, 20, 21.30).
«МАРКАЗИЙ КУЧАДАН ОР-КЕСТР БИЛАН» — Восток (18, 20, 31.30).
«УЧ АКА-УКА» — К. Ерматов номили (17, 20.00).
«КИРОЛ КИЗИКЧИСИ» — Тинчлик (17, 19, 20.45).
«МАНА МЕНИНГ ҚИШЛО-ФИМ» — Восток (17, 19, 21.00; телефон 91-14-61).
«ТАВАККАЛЛИК ХУҚУҚИ» — Москва (17, 19, 20.40).
«ВАСИЯТ» — Искра (16, 20.00; телефон 39-14-59).
«УЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУМО-РИМ» — Чайка (21.00), теле-фон 77-06-20).
«МЕРСЕДЕСДАГИ КИШИ-НИНГ ХУЖУКАТЛАРИ» — Санъат саройи (16, 18.30, 20.40; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).
«САМРААТ» — Мир (17, 20.00).

30 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» — Дружба (тоқ соатларда), Ли-сунво номили (13, 15, 17, 19, 21.00).
«КЕЛИН-КУЕВЛАР УЧУН СО-ЯБОН» — Дружба (жуфт со-атларда, телефон 91-10-51), «ЛУИЗИАНА» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 20.30; телефон 78-47-25), Қозғистон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92).
«ҚУШНИ АЕЛ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).
«ИТАЛЬЯНЧА АЖРАЛИШ» — Нукус (тоқ соатларда).
«АЛИБОВО ВА КИРК ҚАРОҚ-ЧИНИНГ САРГУЗАШЛАРИ» — Ғ. Ғулом номили (11, 14, 17, 20.00).
«ФАРАНГ ОИЛАСИНИНГ СИ-РИ» — Ватан (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).
«МАРКАЗИЙ КУЧАДАН ОР-КЕСТР БИЛАН» — Восток (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).
«УЧ АКА-УКА» — К. Ерматов номили (11, 14, 17, 20.00).
«КИРОЛ КИЗИКЧИСИ» — Тинчлик (13, 15, 17, 20.45).
«МАНА МЕНИНГ ҚИШЛО-ФИМ» — Восток (15, 17, 19, 21.00; телефон 91-14-61).
«ТАВАККАЛЛИК ХУҚУҚИ» — Москва (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).
«ВАСИЯТ» — Искра (12, 14, 16, 20.00); телефон 39-14-59).
«УЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУ-МОРИМ» — Чайка (21.00, теле-фон 77-06-20).
«МЕРСЕДЕСДАГИ КИШИ-НИНГ ХУЖУКАТЛАРИ» — Санъат саройи (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).
«САМРААТ» — Мир (11, 14, 17, 20.00).

АХОЛИНИ ИШГА
ЖОЛЛАШТИРИШ
БЮРОСИ
ФРУНЗЕ РАЙОН
ТАШКИЛОТЛАРИГА.

ИШГА ТАКЛИФ
ҚИЛАДИ

план-молия сектори бош
лигининг ўринбосари, бош
бухгалтер ўринбосари, савдо
инспектори, зоотехник, катта
ревизор, ревизорлар, ҳисоб-
китоб ишларини механизма-
циялаштириш бўлиғча иже-
нер.

Мурожаат учун адрес:
Тошкент шаҳри, Пролетар
кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-
хона ва аҳолини ишга жой-
лаштириш район пункти.

«Алгоритм» махсус ил-
мий-ишлаб чиқариш бир-
лашмаси Москва илмий-ўқув
маркази Урта Осиё филиа-
лининг ўйналган
ГЕРБЛИ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташлодоовошчпром» бир-
лашмаси Октябрь район ул-
гуржи-чанана контораси 11-
магистрининг ўйналган
ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ
КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ
КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
1986 йилнинг 1 декабридан бошлаб
ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ
ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ БАДИЙ
ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ
КИШИНING ХУЖУКАТЛАРИ»



Сценарий муаллифи — В. Кассис, Л. Колосов, Г. Ни-
колаенко.
Режиссёр — Г. Николаенко.
РОЛЛАРДА: Р. Адомайтис, Л. Чурсина, А. Баталов
ва бошқалар.
Совет Иттифоқида дипломат ниқоби остида ишлаб,
яширин қўруқчилик фаолияти олиб бorgan, кейинча-
лик совет кишиларининг турмуши билан танишиб, ўз
сиёсий қарашларидан воз нечган профессионал развед-
качи ҳақида ҳикоя қилувчи психологик детектив.
М. ГОРЬКИЙ НОМИ КИНОСТУДИЯ МАХСУЛОТИ.

«ЭСКИ РУҲДАГИ ҲАЗИЛ»



Сценарий муаллифлари — А. Стреков, А. Панкратов.
Режиссёр — А. Панкратов.
РОЛЛАРДА: Д. Михайлова, А. Нестеренко, В. Са-
мойлов ва бошқалар.
Таниқли рус классик ёзувчиси А. Н. Толстойнинг
дастлабки ҳикоялари асосида. Бу қувноқ кинокомедия-
нинг бош қаҳрамонлари — штабс-напавитининг ўта
ёқинтой ва шўх қизи Катенька ҳамда мол-мулкидан аж-
ралган майда дворянининг ўғли — доворан ва қақдон
гусар Владимир. Фильм турли кулгили воқеалар, кутил-
маган ҳодисаларга бой.
«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАХСУЛОТИ.

«ОРЗУЛАР ОҒУШИДА»




Сценарий авторлари — В. Жданов, Ф. Зайнутдинов.
Режиссёр — Ф. Зайнутдинов.
РОЛЛАРДА: О. Ғаниев, П. Саиддосимов ва бошқа-
лар.
Севимли адабиймиз Ойбекнинг машҳур «Болалик» по-
вести асосида яратилган бу фильм Ойбекнинг ўспирин-
лик йиллари, унинг биринчи муҳаббати ва қайгулари,
камолотга етиш йиллари ҳақида ҳикоя қилади.
«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАХСУЛОТИ.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети нашри-
тининг Мехнат Қизил Байроқ
орденли босмахонаси, Тошкент
шаҳри.


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского
Компартии Узбекистана и городского Совета народных депу-
татов.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

70083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлиmlар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55,
37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт
— 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; 32-
55-32; халқаро — 33-29-70; жамоатчилик редакцииси — 33-99-42, 32-53-66;
эълонлар бўлими — 33-81-42.